

*Мустафоев Азимжон Фаррухович*  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИННИГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация.** Ушбу мақолада Республикада нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган норматив-хуқуқий хужжатлар, хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан таълим хизматлари бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари, нодавлат таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг долзарб вазифалари, шунингдек таълим фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг бошқа назарий масалалари ўрин олган.

Калит сўзлар: нодавлат таълим ташкилотлари, таълим хизматлари, молиявий бухгалтерия ҳисоби, бошқарув бухгалтерия ҳисоби, таълим жараёни, молиявий ҳисбот, молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартлари.

### СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ОСНОВ УЧЕТА НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ ПО МЕЖДУНАРОДНЫМ СТАНДАРТАМ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

**Мустафоев Азимжон Фаррухович**  
**базовый докторант Самаркандского института экономики и сервиса**

**Аннотация:** В данной статье рассмотрены нормативные правовые акты, направленные на координацию деятельности негосударственных образовательных организаций республики, исследования, проводимые зарубежными и отечественными экономистами по вопросам образовательных услуг, актуальные задачи бухгалтерского учета в негосударственных образовательных организациях, а также бухгалтерский учет на основе международных стандартов финансовой отчетности в неправительственных организациях, занимающихся образовательной деятельностью, включены и другие теоретические вопросы бухгалтерского учета.

**Ключевые слова:** негосударственные образовательные организации, образовательные услуги, финансовый учет, управленческий учет, учебный процесс, финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности.

### IMPROVEMENT OF THEORETICAL FOUNDATIONS OF ACCOUNTING OF NON-GOVERNMENT EDUCATIONAL SERVICES ACCORDING TO INTERNATIONAL STANDARDS OF FINANCIAL REPORTING

**Mustafoev Azimjon Farrukhovich**  
**PhD student, Samarkand Institute of Service and Economics**

**Abstract.** In this article, the normative legal acts aimed at coordinating the activities of non-governmental educational organizations in the Republic, the research conducted by foreign and local economists on educational services, the actual tasks of accounting in non-governmental educational organizations, as well as accounting based on international standards of financial reporting in non-governmental organizations engaged in educational activities other theoretical issues of accounting are included.

**Keywords:** non-governmental educational organizations, educational services, financial accounting, management accounting, educational process, financial reporting, international standards of financial reporting.

### **Кириш.**

Хозирги кунга келиб турли хил мулкчилик шаклида таълим хизматлари фаолиятини амалга ошириб келаётган ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Бундай ташкилотлар сирасига нодавлат таълим ташкилотларини мисол келтириш мумкин. Жумладан, Давлат статистика маълумотларига кўра 2022/23 ўқув йилида таълим фаолияти билан шуғулланиб келаётган 194 та[9] нодавлат мактаблар фаолият юритиб келинмоқда ва улар томонидан таълим фаолияти билан боғлиқ бир қанча хизмат турлари кўрсатилмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президентининг “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидағи ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”[2] ги Фармонида нодавлат таълим ташкилотлари тармоғини янада кенгайтириш, ушбу фаолиятни амалга ошириш бўйича рухсат бериш тартиб-қоидаларини енгиллаштириш, лицензия олишда назарда тутилган жараёнларни соддалаштиришга оид алоҳида вазифалар белгилаб берилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган жараёнлардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятига бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб, ушбу ташкилотларнинг мамлакат миқиёсидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Нодавлат таълим хизматларининг ушбу фаолияти натижаларини бухгалтерия ҳисобида юритиш, хоссатан нодавлат таълим ташкилотларида харажатлар ва даромадлар ҳисобини халқаро қоидаларга мувофиқ тан олиш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш бугунги куннинг долзарб вазифалариданdir. Ушбу вазифаларни ҳал этишда, аввало, нодавлат таълим ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, уларнинг фаолиятларига оид мамлакатимизда ишлаб чиқилган норматив-хуқуқий хужжатларни, маҳаллий ва хорижий олимларимиз томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу боис, мазкур илмий тадқиқот ишимизда юқорида зикр этилган масалаларни ҳал этиш мақсадида илмий тадқиқот ишлари олиб боришни лозим, деб топдик.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конунида келтирилган таърифга кўра “Нодавлат таълим ташкилоти – давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берадиган лицензия асосида ёки хабардор қилиш тартибида таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс”[1] ҳисобланиб, ушбу нодавлат таълим ташкилотларининг асосий фаолияти таълим хизматларини кўрсатиш бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда, нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматларини кўрсатиш жараёнлари турли хил босқичларда амалга оширилади ҳамда бундай хизмат турлари давлат стандартлари ва дастурларида белгиланган йўриқномалар асосида тартибга солинади. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, таълим хизматлари иқтисодий категория ҳисобланиб, ушбу атамага иқтисодчи олимлар томонидан турлича таъриф ва тавсифлар берилган. Хусусан, хорижий олим В.Н.Зотов, “Таълим хизмати – бу ижтимоий ва маҳсус хусусиятга эга бўлган билимлар йиғиндиси шаклида фуқарога бериладиган ўқув ва илмий маълумотлар ҳажми бўлиб, маълум бир дастур бўйича фуқарога бериладиган амалий кўникума”[5] деб таъриф берган бўлиб, ушбу таъриф таълим хизматлари бўйича умумий ёндашувларни ўзида қамраб олади.

Т.Тимофееванинг илмий тадқиқот ишида таълим хизматларига шундай тавсиф берилган: “Таълим хизматлари нодавлат таълим ташкилотларида пуллик асосида амалга оширилади. Пуллик таълим хизматлари нодавлат олий таълим муассасаларида асосий даромад манбаи ҳисобланади”[6]. Иқтисодчи олим ушбу тавсифда нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматларини олий таълим муассасалари мисолида ёритган бўлиб,

таълим хизматларини амалга оширишдан олинган даромад асосий фаолият натижаси эканлигини қайд этиб ўтган.

Мамлакатимиз олимларидан А.Ҳамидованинг илмий тадқиқот ишида қуйидаги тавсифларни учратиш мумкин: “Таълим хизматлари барча бозор субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар бўлиб, истеъмолчи салоҳиятини ўсишига йўналтирилган муайян таълим маҳсулотларини тақдим этиш жараёни ҳамда ишчи кучини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ҳамда ходимнинг касб ёки малака олишга, қайта малакадан ўтишга, ишлаб чиқариш талабини қондиришга йўналтирилган ўкув юртининг фаолияти натижасидир”[7]. Олим ушбу таърифни ёритишда айнан олий таълим муассасаларини обьект қилиб танлаб олган бўлиб, таърифда таълим хизматларининг хусусиятлари атрофлича кўрсатиб берилган.

Ш.Кулдашев “Таълим хизматлари – бу белгиланган тартибда таълим ва малака тўғрисидаги хужжатлар билан тасдиқланган муайян компенсация, малака ва қўникмаларни ўзлаштириш натижаси ҳисобланган таълим фаолиятини амалга ошириш жараёнида таълим муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизмат”[8] деб таъкидлайди. Олий таълим муассасалари мисолида ёритилган ушбу илмий тадқиқот ишида ҳам таълим хизматларини фақатгина малака ва қўникмаларнинг йиғиндиси, деб таърифлаб ўтилган.

Иқтисодий адабиётларда келтирилган ушбу тадқиқот натижаларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, нодавлат таълим ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларга берилган ушбу тавсиф ва таърифлар мухим илмий аҳамият касб этади ва таълим хизматларининг алоҳида томонларини очиб беради. Бироқ, хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан келтирилган ушбу таъриф ва тавсиялар, айнан нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятларига хос бўлган жиҳатларни очиб бермайди, деб ҳисоблаймиз. Бу эса, бугунги тадқиқот олдида нодавлат таълим ташкилотларида амалга ошириладиган таълим хизматларининг барча жабҳаларини ўзида қамраб оладиган иқтисодий таъриф ишлаб чиқиши вазифасини юклайди.

Тадқиқот методологияси. Нодавлат таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш, ушбу хўжалик юритувчи субъектларда таълим хизматлари жараёнларини ташкил этиш, харажатлар ва даромадларга оид ахборотларни халқаро стандартлар асосида акс эттириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишларида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усуулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Бугунги кунда Республикасидан нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу норматив-хукуқий хужжатлар ва уларда келтирилган вазифалар билан қуйидаги жадвал маълумотлари орқали танишиб чиқамиз:

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш бўйича қабул қилинган норматив-хукуқий хужжатлар[10]

№	Хужжат рақами	Хужжат санаси	Хужжат номи
<b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари</b>			
1	ПФ-79	26.05.2023 й.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидағи ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида
<b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари</b>			
2	ПҚ-3276	15.09.2017 й.	Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида
3	ПҚ-5161	25.06.2021 й.	Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш ва таълим

			жараёнида ёшлар учун қўшимча шартшароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида
4	ПҚ-302	01.07.2022 й.	Нодавлат спорт-таълим муассасаларида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлаш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида
5	ПҚ-49	31.01.2024 й.	Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва ушбу жараёнга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш имкониятларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида
<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари</b>			
6	ВМҚ-313-сон	24.06.1999 й.	Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида
7	ВМҚ-991-сон	18.12.2017 й.	Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидағи муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини қўллаб-куватлаш тўғрисида
8	ВМҚ-241-сон	27.03.2018 й.	Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида
9	ВМҚ-417-сон	18.05.2019 й.	Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция иштироқидаги нодавлат мактабгача таълим муассасаларини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш тўғрисида
10	ВМҚ-900-сон	02.11.2019 й.	«Tashkent education» нодавлат таълим ташкилоти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида
11	ВМҚ-1028-сон	24.12.2019 й.	Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида
12	ВМҚ-25-сон	18.01.2021 й.	Вазирлар маҳкамасининг «Tashkent education» нодавлат таълим ташкилоти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 2 ноябрдаги 900-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида
13	ВМҚ-466-сон	22.08.2022 й.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатадиган мактабдан ташқари нодавлат спорт-таълим муассасаси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида
14	ВМҚ-513-сон	20.09.2022 й.	Қишлоқ худудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларини қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида
15	ВМҚ-612-сон	19.10.2022 й.	Нодавлат секторда профессионал таълимни ривожлантиришга шарт-шароитлар яратилиши ҳамда педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикаси хукуматининг айrim

қарорлариға ўзгартыриш ва құшымчалар кириши түғрисида			
16	ВМҚ-79-сон	27.02.2023 й.	Республикадаги нодавлат таълим ташкилоттарининг ўкув курсларида ёшларнинг ахборот технологиялари соңасыда таҳсил олиши учун таълим кредити ажратышни тартибга солиш чора-тадбирлари түғрисида
17	ВМҚ-181-сон	02.05.2023 й.	Давлат олий таълим муассасалари, республикадаги хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотлари талабаларини моддий ҳамда ижтимоий қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, бугунги кунда, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятларини такомиллаштиришга қаратилган ўндан ортиқ норматив-хукукий хужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизда ушбу тармоқни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бундай натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки, Республика миқиёсида нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, ушбу ташкилотларда турли хил таълим хизматларини кўрсатиш жараёнини тўғри ташкил этиш, таълим хизматлари турларини кўпайтириш, уларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, ички бошқарув тизимини тўғри йўлга қўйиш, молиявий-бошқарув ахборот фойдаланувчиларнинг талабларига мувофиқ ҳисобот шаклларини тақдим этиш каби вазифалар бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Нодавлат таълим ташкилотлари фаолияти, шунингдек ушбу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатиладиган таълим хизматлари турлари ва сифатини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизми, молиявий-бошқарув бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича хорижий ва маҳаллий иктисодчи олимлар томонидан бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, хорижий олимларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этиб, нодавлат таълим ташкилотларининг мамлакат иктисодиётида тутган ўрни, ушбу ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган таълим хизматларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган. Хорижий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари кўйидаги жадвал орқали кўрсатиб берилди:

## 2-жадвал

### Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга оид хорижий илмий тадқиқот натижалари<sup>1</sup>

№	Муаллиф	Тадқиқот иши мавзуси	Тадқиқот натижалари
1	Ю.С.Зиновьев	Совершенствование системы бухгалтерского учета в негосударственных образовательных учреждениях в условиях реформирования системы образования.	Россияда нодавлат таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи норматив-хукукий хужжатлар, нодавлат таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби методикаси, нодавлат таълим ташкилотларида молиявий натижаларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари ва фойдаланиш йўллари.

<sup>1</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

		Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. –Ростов-на-Дону: 2007. 170-с	
2	<b>О.М.Немчицкая</b>	Развитие бухгалтерского учета и внутреннего финансового контроля в негосударственных образовательных учреждениях	Нодавлат таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг иқтисодий ва меъёрий жиҳатлари, нодавлат таълим ташкилотларини молиялаштириши ҳисобга олиш тизими, нодавлат таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички молиявий назоратни такомиллаштириш.
3	<b>Т.В.Тимофеева</b>	<i>Бухгалтерский учет доходов и расходов негосударственных образовательных учреждений</i>	Нодавлат олий таълимни ташкил этишнинг ҳусусиятлари ҳамда уларнинг даромад ва ҳаражатларга таъсири, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий жиҳатлари, нодавлат таълим ташкилотларида даромадларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш.
5	<b>О.В.Колибаба</b>	<i>Бухгалтерский учет расходов и доходов в негосударственных образовательных учреждениях (На материалах средних специальных учебных заведений потребительской кооперации)</i>	Истеъмолчилар кооперацияси тизимида ўрта касб-хунар таълимининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, ҳаражатларни ҳисобга олиш усуслари ва таълим хизматлари таннархини ҳисоблаш, даромадларни ҳисобга олиш методологияси.
5	<b>Т.А.Федорченко</b>	Особенности формирования учетной политики в негосударственных образовательных учреждениях	Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий ва иқтисодий ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш, бухгалтерия сиёсатини шакллантиришнинг турли босқичлари ва тартибларини ҳисобга олиш имконини берувчи ҳисоб сиёсатини шакллантириш алгоритми.
6	<b>Е.С.Андронова</b>	<i>Методический инструментарий бухгалтерского учета негосударственных высших образовательных учреждениях</i>	Нодавлат олий таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари, нодавлат олий таълим ташкилотларида молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиш, нодавлат олий таълим ташкилотларида асосий воситалар ҳисобини юритиш ҳусусиятлари.

7	<b>В.А.Рудников</b>	<i>Развитие негосударственных инновационных структур в сфере образования</i>	Таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг концептуал асослари, таълим хизматларини ташкил этиш ва бошқаришнинг инновацион шакллари, таълим маҳсулотлари ва хизматлари соҳасида замонавий инновацион компанияларни бошқариш.
---	---------------------	--	--

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида хорижий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари билан бир қаторда маҳаллий олимларимиз томонидан олиб борилган илмий изланишлари ҳам тадқиқ этилди. Мамлакатимиз олимлари томонидан нодавлат таълим ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари, уларни тан олиш, баҳолаш ҳамда ҳисоб ва ҳисботларда акс эттириш масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Ушбу илмий тадқиқот ишлари қуидаги жадвал орқали очиб берилди:

### 3-жадвал

#### **Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқот натижалари<sup>1</sup>**

№	Муаллиф	Тадқиқот иши мавзуси	Тадқиқот натижалари
1	<b>А.Н.Абдуллаев</b>	Нодавлат таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш	Нодавлат таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг назарий услубий асослари, амалдаги ҳолати таҳлили, шунингдек нодавлат таълим ташкилотлари томонидан тайёрланадиган молиявий ҳисботларни оптималлаштириш масалалари.
2	<b>Ж.Р.Тохиров</b>	Таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шерикликнинг ташкилий-иқтисодий механизmlарини шакллантириш	Таълим хизматлари сифатини оширишда давлат хусусий шерикликнинг назарий-услубий масалалари, таълим хизматлари бозорининг ривожланиш ҳолати ва таълим хизматлари сифатини белгиловчи рейтинг кўрсаткичларини баҳолаш тизимидағи ўзгаришлар, таълим хизматлари сифатини оширишда жараёнларни моделлаштириш ва давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланиш истиқболлари.
3	<b>А.А.Ҳамирова</b>	Таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириши (олий таълим	Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари, Ўзбекистон Республикасида таълим хизматлари бозорининг ривожланиш омиллари ва тенденциялари, таълим

<sup>1</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

		муассасалари мисолида)	хизматлари бозорининг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш асосида уни ривожлантириш истиқболлари.
4	<b>Х.Н.Очилова</b>	<i>Инновацион иқтисодиётни шакллантириши шароитида олий таълим хизматларини такомиллаштириши</i>	Олий таълим хизматларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари, олий таълим хизматларини ривожлантириш ҳолати, сифати ва самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили.
5	<b>Н.Р.Шаропова</b>	<i>Мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириши</i>	Мактабгача таълим хизматларининг инсон капиталини оширишдаги таъсирини аниқлашда маркетинг тадқиқот усусларининг самарадорлиги, маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш.

Юқорида келтирилган хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан илмий ишлар муҳим аҳамият касб этган ҳолда тармоқни ривожлантиришга хизмат қилган. Бироқ, бугунги жадал ислоҳотлар ва глобал иқтисодий вазият мазкур йўналишда янгича усул ва воситаларни жорий этишни муҳим вазифага айлантирмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ўрганиб чиқилганда маълум бўлдики, стандартларда таълим хизматлари бўйича уларнинг бухгалтерия ҳисоби олдидаги умумий характеристикасини яққол очиб берувчи аниқ бир тартиблар ишлаб чиқилмаган бўлсада, бироқ корхона ва ташкилотлар томонидан турли хил хизматлар кўрсатишга оид умумий қоидалар, уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича ахборотлар келтирилган. Жумладан, 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар”[3] нинг 14-банди “Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш)” деб номланган бўлиб, унда хўжалик юритувчи субъектларда хизмат кўрсатишдан даромадлар, уларни тан олиш ва баҳолаш ҳамда молиявий ҳисбот шаклларида акс эттириш каби тартиб-қоидалар келтирилган. Шунингдек, ушбу стандартда жами даромадлар таркибида хизмат кўрсатиш натижасида олинган даромадлар корхоналарнинг молиявий ҳисботида алоҳида ёритилиши кўзда тутилган (23-банд).

Бундан ташқари, 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”[4] да асосий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счёtlар таркибида 9030-“Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” ҳамда сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат) лар таннархини ҳисобга олувчи счёtlар таркибида эса, 9130-“Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннахи” каби счёtlар режаси ишлаб чиқилган. Мазкур счёtlар режаси хизмат кўрсатувчи субъектларда, жумладан нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматларини кўрсатиш бўйича жараёнларни бухгалтерия ҳисбидаги акс эттиришда кўлланилади.

Тадқиқотлар молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларида таълим хизматлари, уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича тартиб-қоидаларни ҳам тадқиқ этишни тақозо этди. 2-сон (IAS) “Захиралар” бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартида хизмат кўрсатувчи ташкилотларда товар-моддий захираларнинг таннахи, унинг таркибига киритиладиган харажатлар бўйича алоҳида банд келтирилган.

Шунингдек, 15-сон (IFRS) “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” молиявий ҳисботнинг халқаро стандартида ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўлов шартларини идентификациялаш, хизматларни тан олиш, уларни баҳолаш каби масалалар ёритиб ўтилган.

Таълим хизматлари бухгалтерия ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида куйидаги илмий хулосаларга келинди:

**Биринчидан**, таълим хизматлари халқаро ва миллий таълимотда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг муҳим ва ажралмас таркибий қисмларидан бири бўлиб, бугунги кунда, энг тез ривожланаётган тармоқларидан бири хисобланади.

**Иккинчидан**, таълим хизматлари жараёнлари хизмат кўрсатувчи тармоқ субъектларининг бухгалтерия ҳисобида алоҳида ҳисобга олиниб, ушбу жараёнлар натижаси молиявий ва бошқарув ҳисбот шаклларида алоҳида сатрларда акс эттирилиши лозим.

**Учинчидан**, молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари ва миллий стандартларимизда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатиладиган таълим хизматлари, уларни тан олиш, баҳолаш масалалари бўйича умумий мезонлар келтирилган бўлсада, бироқ нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматларини ҳисботларда акс эттиришга оид алоҳида ёндашувлар мавжуд эмас.

**Тўртинчидан**, таълим хизматлари бухгалтерия ҳисобининг муҳим обьекти эканлигига қарамасдан ушбу атамага ҳисоб обьекти сифатида унинг мазмун-моҳиятини аниқ ва атрофлича ифода этиб берувчи муаллифлик таърифи ишлаб чиқилмаган.

Юкорида зикр қилинган хулосалардан келиб чиқиб айтиш жоизки, таълим хизматларининг бухгалтерия ҳисоби обьекти сифатида унинг барча сифатларини ўзида мужассамлаштирадиган таърифини ишлаб чиқиш ва уни мамлакатимизда амалда бўлган норматив-хукукий хужжатларга киритиш лозим, деб ҳисблаймиз. Шу боис, тадқиқот давомида, ушбу долзарб вазифалардан келиб чиқсан ҳолда куйидаги муаллифлик таърифини ишлаб чиқдик:

**“Таълим хизматлари деганда, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари томонидан давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофик амалга ошириладиган асосий фаолиятлари натижаси ҳисобланади”.**

Тадқиқотлар давомида, таълим хизматлари атамасига биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу муаллифлик таърифи давлат ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган таълим хизматларининг барча жиҳатларини ўзида мужассам этиб, меъёрий-хукукий хужжатларнинг мазмунини янада бойитишга хизмат қиласди. Шунингдек, ушбу таърифни Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конунига киритиш мақсадга мувофик, деб ҳисблаймиз.

Юкоридаги тадқиқотлар натижалари асосида айтиш жоизки, хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан нодавлат таълим хизматлари бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари етарлича ўрганилмаган бўлиб, нодавлат таълим хизматлари бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари деганда, таълим хизматларининг умумий тавсифи, таърифи, унинг таркибий қисмлари, мақсади, вазифалари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот шаклларида акс эттириш усуслари тушунилади.

Нодавлат таълим хизматларининг бухгалтерия ҳисоби обьекти сифатидаги мақсади бўлиб, нодавлат таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, ташкилотлар фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ҳисоб сиёсатини тузиш, таълим хизматларини амалга ошириш жараёнида харажатларни тўғри олиб бориш ва тақсимлаш орқали таълим хизматлари таннархини аниқлаш, шунингдек ушбу хизматларни сотиш натижасида даромадларни тан олиш ва бошқарув ахборот фойдаланувчиларнинг таълим хизматлари бўйича ахборотларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш бўлиб ҳисобланади. Нодавлат таълим ташкилотларида ушбу жараёнларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва юритиш нодавлат таълим хизматлари бухгалтерия ҳисоби бўйича ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳамда бошқарув қарорларини тўғри ва ўз вақтида қабул қилиш имкониятини беради. Шу боис,

нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматлари бухгалтерия ҳисобининг мақсадига тўлиқроқ эришиш учун нодавлат таълим хизматлари таннархига таъсир этувчи кўрсаткичларни тўғри аниқлаш, улар бўйича ахборотларни бошқарув ходимларига тезкор ва аниқ равишда тақдим этиш, шунингдек бошқарув ходимларининг нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматларининг сотиш нархини белгилаш бўйича тўғри қарорлар қабул қилишлари лозим бўлади.

Юкоридаги тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, тадқиқотлар давомида нодавлат таълим ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган таълим хизматларининг бухгалтерия ҳисоби обьекти сифатидаги вазифалари белгилаб олинди. Ушбу вазифалар қуйидагилардан иборат:

- нодавлат таълим ташкилотларида уларнинг фаолиятлари хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда нодавлат таълим хизматларининг турларини белгилаб олиш;
- ташкилотнинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ, нодавлат таълим хизматларини белгиланган тартибда асосий ва қўшимча турларга ажратиш;
- нодавлат таълим ташкилотларида асосий хизмат кўрсатувчи ва бошқа ёрдамчи бўлимларни аниқлаш;
- бухгалтерия ҳисоби регистрларида таълим хизматларини кўрсатиш жараёнлари бўйича харажатларни тезкор ва ўз вақтида расмийлаштириш;
- амалга оширилган харажатларнинг хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда уларни таълим хизматлари таннархига ва бошқа харажатларга олиб бориш;
- ташкилотда рўй берган барча операцияларни ўз вақтида бухгалтерия ёзувларида қайд этиб бориш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиши;
- нодавлат таълим ташкилотининг ҳисоб сиёсатида белгиланган таннархни ҳисоблаш бўйича усулларни қўллаш орқали таълим хизматлари таннархини аниқлаш;
- бўлим мудирларининг таълим берувчи ва таълим олувчилар тўғрисидаги ахборотларни олиш ва умумлаштириш ҳамда уларни қайдномаларда акс эттириш;
- бошқарув ходимларининг қарорлар қабул қилишлари учун молиявий ва бошқарув бухгалтерия ҳисоби ахборотларини ўз вақтида ва реал тақдим этиш;
- таълим хизматларини сотиш жараёни натижасини ҳисоб ва ҳисботда акс эттириб бориш ҳамда даромадларни тан олиш;

Бизнинг фикримизча, таълим хизматларининг бухгалтерия ҳисобининг обьекти сифатида ишлаб чиқилган ушбу вазифалар нодавлат таълим хизматларининг назарий асосларини такомиллаштиришга муайян даражада хизмат қиласи, деб ҳисоблаймиз.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Нодавлат таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулоса қилиш мумкинки, Республикаизда нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини тартибга солишга оид ўндан ортиқ норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинган бўлиб, ушбу хужжатлар нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилгандир. Бу эса, ушбу тармоқ фаолиятини ривожлантиришда асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Таълим хизматлари ҳамда уларнинг сифатини янада ривожлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий механизми, шунингдек молиявий ва бошқарув бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга оид иқтисодчи олимлар томонидан бажарилган бир қатор илмий ишлари тадқиқ этилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бугунги кунга қадар бажарилган илмий тадқиқот ишларида нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг ташкилий, хуқуқий ва иқтисодий хусусиятлари, ушбу нодавлат ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган таълим хизматларининг турлари ва уларнинг сифатини ошириш каби масалалар ёритилган. Бироқ ушбу тармоқ соҳаларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, молиявий ва бошқарув масалаларини тўлиқ қамраб оладиган ҳамда ушбу жараёнларни ёритадиган ташкилотнинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, таълим хизматлари харажатларини алоҳида ҳисобга олган ҳолда

уларнинг таннархини аниқлаш, таълим хизматларини кўрсатиш натижасида олинган даромадларни тан олиш ва ҳисботларда халқаро стандартлар асосида акс эттириш каби масалалар етарлича тадқиқ этилмаган, деган хуносага келинди.

Бизнинг фикримизча, юқорида олиб борилган тадқиқотлар натижасида “нодавлат таълим хизматлари” атамасига биз томонимиздан ишлаб чиқилган муаллифлик таърифи нодавлат таълим ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини тўлиқроқ қамраб олиб, молиявий ва бошқарув бухгалтерия ҳисботларида ахборотларни аниқ акс эттиришга, нодавлат таълим хизматлари бухгалтерия ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштиришга муайян даражада хизмат қиласди, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, нодавлат таълим хизматлари ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштиришга оид биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу хулоса, илмий таклиф ҳамда амалий тавсияларимиз нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматлари ҳисобини халқаро стандартлар талабларига уйғунлаштиришга кўмаклашиб, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини иқтисодий ва молиявий таҳлил қилишда ҳамда бугунги бухгалтерия ҳисоби олдидаги мавжуд муаммоларини бартараф этишда ёрдам беради. Шунингдек, нодавлат таълим хизматларининг назарий асосларини такомиллаштириш бугунги кунда, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот олдидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга хизмат қилиб, ички ва ташқи ахборот фойдаланувчилар учун нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ижтимоий, иқтисодий ва молиявий томондан самарали таҳлил қилиш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь, № ЎРҚ-637-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидағи ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2023 йил 26 май. ПФ-79-сон.
3. 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар” // АВ томонидан 26.08.1998 й. 483-сон билан рўйхатга олинган. <https://lex.uz/acts/829551>
4. 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” // АВ томонидан 23.10.2002 й. 1181-сон билан рўйхатга олинган.
5. Зотов В.Н. Разработка стратегии и тактики маркетинговой деятельности вузов на рынке образовательных услуг и научно-технической продукции: Автореферат на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – М.: РЭА им. Г.В. Плеханова, 1997. -21 с.
6. Тимофеева Т.В. Бухгалтерский учет доходов и расходов негосударственных образовательных учреждений. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва: 2009. 171-с.
7. Ҳамирова А.А. Таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш (олий таълим муассасалари мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. -Т.: 2022.
8. Кулдашев Ш.А. Таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари ракобатбардошлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. -Т.: 2023.
9. <https://anhor.uz/uz/society/davlat-va-hususij-maktablar-a-ida/>
10. <https://lex.uz/uz/>